

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ БИР МАНСУРАСИ ҲАҚИДА

Хошимжон Аҳмедов

ТошҶЎТАУ доценти, ф.ф.н Ahmedov.hoshim60@gmail.com

АННОТАЦИЯ.

Мазкур мақолада Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг бир мансураси – “Осмоннинг охири” таҳлил қилинади. Бу шеърга хос бадиий талқиннинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилади, назарий хulosалар баён қилинади.

Калит сўзлар: Муҳаммад Юсуф, “Осмоннинг охири” шеъри, назарий хulosалар.

Аннотация. В данной статье анализируется мансура народного поэта Узбекистана Мухаммада Юсуфа - «Конец неба». Раскрываются уникальные аспекты художественной интерпретации данного стихотворения, излагаются теоретические выводы.

Ключевые слова: Мухаммад Юсуф, поэма «Конец неба», теоретические выводы.

Abstract. This article analyzes the poem of the national poet of Uzbekistan Muhammad Yusuf - "The End of the Sky". Unique aspects of the artistic interpretation of this poem are revealed, theoretical conclusions are presented.

Keywords: Muhammad Yusuf, poem "The End of the Sky", theoretical conclusions.

Мансура ўтган аср охирлари ва янги асримизда баъзи ижодкорлар мурожаат қилаётган назм ва наср оралиғидаги шакл. Айрим олимлар буни жанр ҳам дейдилар. (*Мансура* – арабча 1. Сочилган. 2. Насрий, прозаик. (Наврий асарлари луғати. Тузувчилар: Нарсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов. Тошкент,Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 360-бет.)

Насрий шеърнинг мансура шаклини маъқул кўраётган адилардан бири – Муҳаммад Юсуфdir. Айтиш мумкинки, мансуранинг поэтик импониятлари кенг. Муҳаммаб Юсуфнинг “Осмоннинг охири” [1] номли мансураси ўзининг мушоҳадакорлиги, ўзига хос бадиийлиги, тилининг халқона соддалиги ва равонлиги билан ажralиб туради.

Мансура уч мустақил қисмдан иборат. Фоявий мазмун шу уч қисмда динамик тарзда ривожланиб боради. Ва учинчи қисм хulosса билан якунланади. Ҳар бир қисм тугал композицион тузилишга эга. Фикр мисрама-мисра бир-бирига

мантиқан уланиб ҳар бир қисмининг умумий яхлитлигини ҳосил қиласди. Ҳар уч қисм ўртасида ҳам қатъий чегара йўқ, фақат муаллифнинг шартли белгисигина уларни (mansurani) учга ажратиб туради. Мансура образли ифодаларга бой, теран фикрий умумлаштиришга сероб. Асосий гоя – бу дунёning гуногунилиги, яшамоқликтининг сир-синоатларини бадиий истифода этиш. Бутун мансура давомида турли хил тафсилларни маҳсус келтириш ва уларни ўзаро ҷоғиштириб холосалар чиқарилади:

Сув одамнинг мардикори: ҳосил беради,

Тегирмон юрғизади.

Одам уни ўйламайди.

Дунёдаги ҳамма нарса одамга яқинлашиши

Билан ўзлигини йўқотади.

Одам одамга яқинлашганида ҳам топганидан

Йўқотгани кўпроқдир... (“Ишқ кемаси”. Мисоллар шу китобдан олиниб, сахифаси қафс ичидаги берилди. – X.A.).71-бет).

Қадим туркий аждодларимиз ёдномаларида шундай сўзлар бор экан:

“Билган одаминг – шайтон, билмаганинг – инсон”.[2]

Бир жойда офтоб билан боғлиқ тасвир бор: Офтоб қаерга ботади, дейман бобомга. Осмоннинг охирига, дейди у. Офтоб осмоннинг охирига бориб ботмайди, балки йиглайди. (72-бет).

Машҳур грузия адиби Нодар Думбадзе қаламига мансуб “Абадият қонуни” романининг VI – боби офтобга бағишлиланган. [3]. Унда инсонлар ўртасидаги қин – адован, қўролмаслик, фисқу фасод, оқибатсизликдан озурда бўлган қуёш инсониятни, оламни тарқ этади. Офтобнинг йиглаши шунданadir балки?

Мансуранинг иккинчи қисмида фикрлар яна кенгайиб, тасвир қамровининг, кўламининг мундарижаси ҳам ортади. “Осмоннинг охири қаерда?” деб қўйилган сўроқ атрофида мустақил, тугал маъно касб этувчи мисралардан фалсафий холосаларни ўқиймиз:

Ҳақиқий шеърият ҳамиша оёқ остида. Мисралар кулунлар каби тупроққа ағанаб ётишибди.

Тур тойчоқ чопамиз, десанг бас.

Биз ҳар замон бир оёқ остига боқиб шеър топамиз.

Кейин унинг чангини қоқамиз ва қанча

кўп қоқсак – шунча кўп шеър йўқотамиз...

Барча буюк зотларнинг буюклиги ҳам хокисорлигидир! (73 бет)

Қаранг, нақадар теран фалсафа: хавои сўзлардан эмас, туфроқ каби хокисор сўзлардан ёзилган шеърлар азиз. Ахмад Яссавий таъкидлаганидек, хокисорлик – ҳақ таолонинг тушуниш йўли:

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ

Хак васлига етарман деб руҳим муштоқ. [4]

Бундан ташқари, яна бир ҳақиқат – “бир оёқ остига боқиб шеър топиш” диққатни тортади. Бу шеърни бир қолип асосида бирёқлама баҳолаш урф бўлган даврларга ишора. Шундай колидан қутуломмаган шеършунослар, адабиётчиларга ишора. Аксарият, мана шунаقا яккахоким, андозачиларнинг шеър “чангини қоқишилари” туфайли ҳам шеъриятишимиз, адабиётимиз кемтик бўлиб келди.

Мансуранинг учинчи қисмида ҳам ибратли фикрларнинг гувоҳи бўламиз. Учкур хаёл, тахайюл қуввати, чексизлиги инсоннинг тафаккур ҳофизасини чархлайди, маънавиятни бойитади, билъакс “хаёл сўқмоғи қисқа зотларнинг умри ҳам қисқадир”.

Ҳис-туйғу, тасаввур мўллигидан, ҳар бир зарра, мавжудотга шоирона, жунуний, руҳий интиқлик билан қаровчи, қузатувчи одам баъзан бошқалар кўз ўнгидаги ғалати кўринади:

Менинг кимлигимни

Билмайди ҳеч ким.

Мен бир ғалатиман

Мен алоҳида.

Кийикнинг қонини

Келади ичгим.

Чаённи чайнагим

Келар гоҳида... (73-бет).

Шоир мансура давомида бармоқ тизимиға хос эркин маром, туроқланишга мос шеърий мисралар тузади. Фикр оқими кучайган ўринда яна мансуравий шаклга ўтади. Адиг ҳар икки маромни ўзаро уйғунлаштириш орқали фикр, кечинма тасвирининг изчиллигини сақлаган.

Қалбига эзгулик инган инсон ҳеч бир зотга, ҳатто чумолигаям озор бергиси келмайди. Ҳар заррада мантқи бор. Ҳаёт аталмиш нашида ҳар жонзот учун азиз: Ҳеч кимга озори тегмай, ўзича гилдираб кетаётган бир ғариб чумолини босиб олдим. Унинг чинқириғи оламни бузди. Мен дарров атрофга қарадим. Хайрият ҳеч ким эшитмади...

Ўша чумоли бугун инига қайтиб бормайди. Мен эса оқшом телевизордан оқибат хақида шеър ўқийман, кимнингдир, эҳтимол, менга ҳаваси ҳам келади... (74-бет).

Мансуранинг бошидан – охиригача такрорланиб турувчи, композицион яхлитликни таъминлаб келувчи сюжет чизиги – саволга муаллиф: осмоннинг охири – бошинг ёстиққа етган жойда! – деб нұкта қўяди. Илло, унинг мазмун-моҳиятини билиш бандаси учун душвор.

Демак, мансура кўринишидаги насрий шеърларнинг икки хил шакли мавжуд: 1. Мансуралар. 2. Мансура – достонлар.

Кузатишлар шуни кўрсатаяптики, насрий шеърларнинг бу икки шакли ҳам ижодкорлар учун янги-янги уфқлар очади.

Мансурада ҳар бир сатр (мисра) нисбий мустақилликка эга бўлади. Унинг ички гап қурилишида ўзига хос интонация, инверсия, маромга риоя этилади. Қатъий вазн, туроқланиш, изчил қофия насрий шеърлар, хусусан мансураларда ўта эркин равища, ички маромда асосланган ҳолда тайин этилади. Муаллифларнинг насрий шеърларнинг мансура шалини танлашларининг боиси ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Насрий шеърларнинг учинчи шакли – мансуралар тузилиши жиҳатидан ўзига хосликка эга. Биринчидан, улардан бандларга ажратиш холлари учрамайди. Маром, ички оҳанг уларни эркин шеърдан ажратиб туради. Бунда ҳар бир мисранинг мустақил маъно ташиш функцияси ортади. Натижада, бир-икки мисрадангина иборат ҳикматомуз, афористик шаклдаги насрий шеър юзага келади.

Ўйлашимизча, насрий шеърлар (насрдаги назмлар, мансур шеърлар, мансуралар) - адабий жараённинг, поэтик ижоднинг ажралмас ҳамроҳи.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Муҳаммад Юсуф*. Ишқ кемаси. Шеърлар. Тошкент, “Ёзувчи” нашриёти, 1991. – 200 б.
2. Қадимги туркий мақоллар ва ҳикматлар. М. Пирриев тайёрлаган. “Қалб кўзи” газетаси, №4 (8) 1993, апрель сони.
3. Думбадзе Нодар. Абадият қонуни. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, - 290 б.
4. ¹ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, - 256 б.